

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
ТИББИЙ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ
МАРКАЗИ


Рўйхатга олинди:

№ ММД-45-2025

2025 йил «29» 01

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025
йил 10 январда 7-сонли буйруғи
асосида тасдиқланди

Билимлар соҳаси: Соғлиқни сақлаш



“УЙДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ”

мавзусида малака ошириш

ўқув дастури

(ошлавий шифокор ва патронаж ҳамширалар учун)

(144 кредит)

Тошкент-2025 йил

Тузувчилар: т.ф.д.Маджидова Ё.Н., т.ф.д.Усманходжаева А.А.,
т.ф.д.Мавлянова З.Ф., т.ф.д.Эргашева Н.Н., т.ф.д.Мусажанова Л.Х.,
т.ф.н.Салиходжаева Р.К., т.ф.д.Халимбетов Ғ.С., т.ф.н.Тахирова Ф.А.,
Тожибоева Г.Ш., Мухсимова М У., Ганиева Н.С хамда Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2025 йил 10 январдаги 7-сонли буйруғига асосан, “Уйда
реабилитация қилиш” мавзусидаги ўқув дастурни ишлаб чиқиш буйича ишчи
гурух аъзолари.

Такризчилар:

Қосимов О.А - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ногиронликни олдини олиш, белгилаш ва тиббий хизматлар кўрсатишни
мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси, т.ф.н.,

Хамраев А.К. - Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш
маркази Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси
доценти., т.ф.д.

Ўқув дастури Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази Марказий ташкилий-услубий Кенгашида кўриб
чиқилган

2025й. «24» январ баённома № 5

Ўқув дастури Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз тиббий-
фармацевтик таълимни Мувофиқлаштирувчи Кенгашда тасдиқланган.

2025й. «24» январ баённома № 47

Кенгаш раиси Х.А.Акилов Х.А.Акилов



1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва патронажнинг самарали моделларини жорий этиш ҳамда тиббий хизмат самарадорлиги, сифати, қамровини ошириш учун асос бўлиб келмоқда. Шунингдек, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, тўғри овқатланиш, ногиронликни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликлар профилактикаси соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 декабрь ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео селектор йиғилиши 60-сон баёни ижросини таъминлаш, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уйда реабилитация қилиш хизматини самарали ташкил этиш мақсадида тузилди.

Қашқадарё вилоятининг оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамшираларининг “Уйда реабилитация қилиш” бўйича бир ойлик малакасини ошириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун уй шароитида бажариладиган машқлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат. Таълим ва тиббиёт соҳасида кадрлар салоҳиятини ва тиббий хизматлар сифатини ошириш юзасидан аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, малакали тиббий ёрдам кўрсатишни янги тизим бўйича 144 кредит малака ошириш модулини ташкил этиб, ўрта тиббиёт ходимларини ўқитиш белгиланди.

Дастур асосида таҳсил олган оилавий шифокор ва патронаж ҳамширалар уй шароитида реабилитация ўтказиш тамойилларини, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига самарали ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва тикланиш жараёнини рағбатлантириш учун назарий билимлар, амалий кўникмаларга эга бўладилар. Ҳамширалар уй шароитида реабилитация жараёнларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган маълумотларга эга бўладилар ва бу уларнинг ногиронлиги бўлган шахсларни парваришига қаратилган фаолиятида малакасини оширади. Дастур якунида оилавий шифокор ва патронаж ҳамширалар билимлари юқори сифатли ва самарали бўлиши, касбий маҳоратларини янада оширишни, назарий билимларини амалиётда тўғри татбиқ этиши, амалий билим ва кўникмаларни бойитиш имкониятига эга бўладилар. Дастур Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг энг охириги халқаро клиник тавсияномалари асосида тузилган.

Дастурда ўқув фаннинг мазмуни, уни ўзлаштириш шакли ва усуллари мужассамлаштирилган. Дастур мазмунида назарий билимларни амалий кўникмалар орқали мустаҳкамлаш ва чуқур билимларни эгаллаш алоҳида эътиборга олинган.

1.1. Мақсад: Уй шароитида реабилитация ўтказиш учун махсус тайёрланган ҳамшира ва шифокорлар жамоасини шакллантириш. Беморлар

ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига уй шароитида самарали тиббий ва психологик ёрдамни амалга ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва тикланиш жараёнини рағбатлантириш учун назарий билимлар, амалий кўникмалар ва профессионал муносабатга эга бўлишга қаратилган.

Оилавий шифокор ва патронаж ҳамшираларига инсулт туфайли қўл оёқ ҳаракати бузилган - фалажлик, нутқ, сезги, когнитив функцияси бузилган беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида реабилитация қилиш, уларга ижтимоий ва психологик реадaptация қилиб қайта инсулт олдини олиш бўйича назарий ва амалий кўникмаларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро етакчи илмий ташкилотларининг янги ва замонавий тавсияларига мос равишда тарғиб қилиб, малака ва касбий салоҳиятини оширишдан иборат.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида соғлом овқатланишини ташкил қилиш соҳасида оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамшираларнинг назарий ва амалий кўникмаларини ҳамда малакасини ошириш, шунингдек Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро етакчи илмий ташкилотларининг янги ва замонавий тавсияларига мос равишда оилавий шифокорлар ва патронаж ҳамшираларнинг малакасини ва касбий салоҳиятини ошириш.

1.2.Вазифалар:

- Ҳамшираларга реабилитациянинг назарий асослари, жараённинг аҳамияти ва реабилитациянинг инсон физиологиясига таъсири, беморларнинг индивидуал ҳолатларига мос реабилитация тамойилларини танлаш кўникмасини ривожлантириш.
- Уй шароитида реабилитация жараёнини ташкил этишда халқаро стандартлар ва тажрибаларни қўллашни ўргатиш.
- Оила аъзолари билан самарали мулоқот қилиш, уларга реабилитациянинг аҳамиятини тушунтириш, кўникмасини шакллантириш.
- Оила аъзоларининг реабилитация жараёнидаги ролини мустаҳкамлаш учун маслаҳатлар ва ёрдамни ташкил қилиш.
- Турли даражадаги мулоқот тўсиқларини бартараф этиш учун эмпатия ва актив тинглаш усулларини ўргатиш.
- Якка ёлғиз беморларнинг кундалик эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга қўмаклашиш усулларини ўргатиш.
- Уйда беморнинг хавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чоратadbирларни ишлаб чиқиш.
- Беморнинг уй шароитидаги хавфларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллларини кўрсатиш.
- Реабилитация жараёнида қўмакчи ускуналарни тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш.
- Уйдаги муҳитни бемор учун қулай ва хавфсиз қилиш бўйича амалий маслаҳатлар бериш.

- Хамшираларни турли касалликлар учун реабилитация методикаси ва ёндашувлари билан таништириш.
- Касаллик турига қараб реабилитация чора-тадбирларини танлаш: инсултдан кейинги реабилитация, юрак-қон томир касалликлари учун реабилитация, мускул-скелет тизими касалликларида реабилитацияни амалга ошириш;
- Нейродегенератив ва сурункали касалликларда реабилитация чора тадбирларини ўргатиш;
- Инсулт ўткир даври асоратлари (ётоқ пневмонияси, ётоқ яралар, ўпка артерияси тромбоемболияси (ТЭЛА), флеботромбоз, урологик инфекциялар)ни ёритиш ва профилактика чораларини ўргатиш;
- Инсулт эрта тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари – афазиялар, сезги бузилишлари, бемор йиқилишлари олдини олиш)ни ёритиш ва профилактика чораларини ўргатиш;
- Инсулт кеч тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари – афазиялар, когнитив ва психологик бузилишлар)ни ёритиш ва профилактика чораларини ўргатиш;
- Инсулт туфайли ютиш бузилган – дисфагияли беморлар овқатланишини ўргатиш;
- Беморнинг ҳолатини тизимли мониторинг қилиш усуллариини ўргатиш.
- Тикланиш жараёнидаги ўзгаришларни аниқлаш учун клиник баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;
- Реабилитация жараёнининг натижаларини таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш;
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра соғлом овқатланишни ташкил қилишни ўргатиш;
- Истеъмолини чеклаш ва ошириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини ногиронларни парвариш қилувчиларга кенг тарғиб қилишни ўргатиш;
- Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногиронланишда соғлом овқатланишни ташкил қилишни ўргатиш;
- Ногиронлиги бўлган болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил қилишни ўргатиш.

1.3. Таълим олувчилар тоифаси (контингенти) – оилавий шифокорлар, патронаж хамширалар.

1.4. Ўқув дастурини ўзлаштира олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси:

- Тиббий этика ва деонтологияни амалда қўллай оладиган, нотиклик санъатининг асосларини амалиётда қўллай олиши;
- амалдаги меъёрий хужжатлар билан ишлаш, соҳа бўйича замонавий ютуқлардан хабардор бўлиб, уни амалда қўллай олиш қобилиятига эга бўлиши;

- ҳамширанинг ҳуқуқий меъёрларини, бемор ҳуқуқларини, рад этиш мезонларини билиши;
- тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларини амалга ошира олиши;
- мутахассислик билимларини доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билиши;
- касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва уларни амалда қўллай олиши;
- касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш, соғлом психологик муҳитни ярата олиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;
- организмнинг физиологик ўзаришларни билиши;
- касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш;
- кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда шифокоргача биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билим ва кўникмаларига эга бўлиши.
- саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш тамойилларини билиши.

1.5. Дастурнинг долзарблиги:

Бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда ҳам сурункали юқумли бўлмаган касалликлар тарқалиши кузатилмоқда. Бундай касалликларга юрак-қон томир касалликлари (артериал гипертония, инфаркт, инсультлар), қандли диабет 2 тури, саратоннинг айрим турлари ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги қиради. Маълумки, бу касалликлар нотўғри овқатланиш ва носоғлом турмуш тарзи оқибатида ривожланадиган семизлик сабаб келиб чиқади. Ушбу касалликлар бўйича ногиронликка олиб келиш ва барвақт ўлим ҳолатлари сони юқоридир.

1.6. Дастур ҳажми: 144 кредит (қунига 6 соат, ҳафтада 36 кредит)

1.7. Ўқиш шакли:

- кундузги - ўқиш ишдан ажралган ҳолда
- on/offline, масофавий /анъанавий ўқиш ишдан ажралган/ ажралмаган ҳолда

1.8. Машғулотларни ўтиш тартиби

Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги” 160-сонли буйруғи ва марказнинг ички тартиб-қоидалари асосида режалаштирилади ва амалга оширилади.

2. РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИ

2.1. Режалаштирилган таълим натижаларидан сўнг такомиллаштирилиши лозим бўлган касбий компетенциялар:

- ўрта тиббиёт ходимининг фикрлаш, таҳлил ва синтез қилиш, жамоа билан ишлаш, интизомлилик, бошлаган ишини мантиқий якунига етказишга тайёрлигини ривожлантириш;
- ўз-ўзини баҳолаш, танқидий таҳлил қилиш ва тўғри қарорларни қабул қилиш,
- ҳамкасблар, ҳамширалар ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва қариндошлар билан мулоқотда тиббий фаолиятнинг ахлоқий ва деонтологик жиҳатларини амалга оширишга тайёрлиги ва амалга ошириши;
- интизомий, маъмурий, фуқаролик, жинсий жавобгарликни амалга ошираётганда тиббий хатоларнинг олдини олиш бўйича ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилиш тайёрлиги ва амалга ошириши;
- беморларни ташхислашда фойдаланиладиган тиббий ва техник жиҳозлар билан ишлаш, шахсий компьютер технологиялари, турли манбалардан маълумот олиш, глобал компьютер тармоқларида маълумотлар билан ишлаш имконияти ва истагини ошириши;
- ҳамшираларда реабилитациянинг назарий асослари, реабилитациянинг инсон физиологиясига таъсири, беморларнинг индивидуал ҳолатларига мос реабилитация тамойилларини танлаш кўникмасини шакллантириш;
- уй шароитида реабилитация жараёнини ташкил этишда халқаро стандартлар ва тажрибаларни қўллаш билиш;
- оила аъзолари билан самарали мулоқот қилиш, уларга реабилитациянинг аҳамиятини тушунтириш кўникмасини шакллантириш;
- оила аъзоларининг реабилитация жараёнидаги ролини мустаҳкамлаш учун маслаҳатлар ва ёрдамни ташкил қилиш;
- турли даражадаги мулоқот тўсиқларини бартараф этиш учун эмпатия ва актив тинглаш усулларини қўллаш билиш;
- ёлғиз яшовчи бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга кўмаклашиш усулларини ўргатиш;
- уйда беморнинг хавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, беморнинг уй шароитидаги хавфларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш, уйдаги муҳитни бемор учун қулай ва хавфсиз қилиш бўйича амалий маслаҳатлар бериш;
- реабилитация жараёнида кўмакчи ускуналарни тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ҳамшираларни турли касалликлар учун реабилитация методикаси ва ёндашувлари билан таништириш;
- касаллик турига қараб реабилитация чора-тадбирларини танлаш: инсультдан кейинги реабилитация, юрак-қон томир касалликлари учун реабилитация, мускул-скелет тизими касалликларида реабилитацияни амалга ошириш;
- нейродегенератив ва сурункали касалликларда реабилитация чора-тадбирларини ўргатиш;

- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ҳалқаро етакчи илмий ташкилотларининг янги ва замонавий тавсияларига мос равишда ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни инсультдан кейин уй шароитида парваришлаш тамойилларини ўргатиш;
- инсульт ўткир даври асоратлари (ётоқ пневмонияси, ётоқ яралар, ўпка артерияси тромбоземболияси (ТЭЛА), флеботромбоз, урологик инфекциялар) ва профилактика чораларини билиш;
- инсульт эрта тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари – афазиялар, сезги бузилишлари, бемор йиқилишлари олдини олиш) ва профилактика чораларини билиш;
- инсульт кеч тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари –афазиялар,когнитив ва психологик бузилишлар) ва профилактика чораларини билиш;
- инсульт туфайли ютиш бузилган –дисфагияли беморлар овқатланиши тамойилларини билиш;
- беморнинг ҳолатини тизимли мониторинг қилиш усулларини амалга ошириш;
- тикланиш жараёнидаги ўзгаришларни аниқлаш учун клиник баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;
- реабилитация жараёнининг натижаларини таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш;
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра соғлом овқатланишни ташкил қилиш;
- истеъмолини чеклаш ва ошириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилувчиларга кенг тарғиб қилиш;
- сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногиронликка олиб келувчи ҳолатларда соғлом овқатланишни ташкил қилиш.

2. ДАСТУР МАЗМУНИ

3.1. “УЙДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ” малака ошириш курси ўқув режаси

№	Модуль ва мавзулар номи	Кредит	Аудитория машғулотлари		Аттестация
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	
1.	Модуль: Реабилитациянинг асосий тамойиллари	6	4	2	

1.1	Реабилитациянинг асосий мақсади, аҳамияти ва вазифалари.		2		
1.2	Уй шароитида реабилитациянинг ўзига хос жиҳатлари.		2		
1.3	Беморнинг гемодинамик ва умумий ҳолатини кузатиш			2	
2.	Модуль: Мулоқот ва психологик ёндашувлар	6	2	4	
2.1	Уй шароитидаги реабилитация хизматларининг аҳамияти тўғрисида бемор ва унинг оила аъзоларига тушунтириш.		2		
2.2	Мулоқот қилиш ишларини тўғри ташкил этиш.			2	
2.3	Эмпатия ва руҳий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.			2	
3.	Модуль: Ёлғиз яшовчи бемор ва ногиронлиги бўлган шахслар билан бевосита ишлашни ташкил этиш.	6	2	4	
3.1	Ёлғиз яшовчи бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга кўмаклашиш усулларини ўргатиш.		2		
3.2	Имконияти чеклангалар учун уй шароитида бажариладиган машқларни оила аъзоларига ўргатиш.			2	
3.3	Уйда беморнинг хавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.			2	
4.	Модуль: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришлаш асослари	12	4	8	
4.1	Паллиатив ёрдам тушунчаси. Оғир беморнинг ҳолатини баҳолаш.		2		
4.2	Ётоқ беморларнинг парвариши. Овқатлантириш қоидалари.			2	
4.3	Шахсий гигиенага риоя қилиш қоидалари. Чўмилтириш, соч соқол ва тирноқлар парвариши, пешоб ва нажас қабул қилгичлардан тўғри фойдаланиш.			2	
4.4	Ётоқ яралар, даражаларини аниқлаш, уларни олдини олиш.		2		

4.5	Бемор ўрин-кўрпа, оқликларини ва кийимларини алмаштириш техникаси.			2	
4.6	Ётоқ яралар бор бўлган беморларни парваришлаш.			2	
5.	Модуль: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида реабилитация қилиш асослари	84	22	62	
5.1.	Нейрореабилитация.	18	6	12	
5.1.1	Инсульздан кейинги беморларда халқаро стандартлар бўйича нейрореабилитация		2		
5.1.2	Беморларда Вертикализация ўтказишда, кўрсатма ва моънеликлар.			2	
5.1.3	Ётоқ тартибидаги беморларни парвариш қилиш. Фалажланган беморларни кийинтириш қоидалари ва шахсий гигиенаси.			2	
5.1.4	Когнитив реабилитациянинг ўзига хос хусусиятлари.		2		
5.1.5	Беморларни ўтириш ва туришга ўргатиш. Беморни биринчи қадами. Ногиронлиги бўлган шахслар учун кресла-коляска, қўлтик таёк, хасса ва юриш мосламасидан (ходунок) тўғри фойдаланиш қоидалари.			2	
5.1.6	Эрготерапия. Мувозанати бузулган беморлар билан ишлаш.			2	
5.1.7	Инсульздан кейинги беморларда психологик реабилитация хусусиятлари.		2		
5.1.8	Дисфагияли беморлар билан ишлаш. Хотираси йўқолган беморлар билан ишлаш.			2	
5.1.9	Инсульздан кейинги беморларда касбий фаолиятини тиклаш. Инсульзда беморнинг оила аъзолари билан ишлаш.			2	
5.2	Жароҳат ва жарроҳлик операцияларидан кейинги реабилитация (таняч-ҳаракат тизими реабилитацияси)	12	2	10	

5.2.1	Қўл-оёқларнинг ампутациясидан кейинги беморлани парваришланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва реабилитацияси.		2		
5.2.2	Таянч-ҳаракат тизимида патологияси бўлган беморларни уй шароитида ҳаракатланишга ўргатиш, реабилитация техник воситаларидан фойдаланиш.			2	
5.2.3	Уй шароитида таянч-ҳаракат тизимида жароҳатлари ва касалликлари бўлган беморларни реабилитация қилиш.			2	
5.2.4	Умуртқа поғонасида оғриғи бўлган беморларни парваришлаш ва реабилитацияси.			2	
5.2.5	Таянч-ҳаракат тизими касалликларида эрготерапия.			2	
5.2.6	Контрактураларнинг профилактикаси, бўғимларни ривожлантириш ва таянч-ҳаракат тизими касалликларида механотерапия.			2	
5.3	Кардиологик ва пульмонологик касалликларда уй шароитида реабилитация асослари	18	4	14	
5.3.1	Кардиологик ва пульмонологик касалликларда реабилитацияни асосий тамойиллари		2		
5.3.2	Бемор билан алоқадорлик ва психологик ёндашувлар.			2	
5.3.3	Оила аъзоларига уй шароитида ҳаётий муҳим кўрсаткичларни аниқлаш.			2	
5.3.4	Кардиологик касалликлар операциясидан сўнг уй шароитида парваришлаш.			2	
5.3.5	Уй шароитида жисмоний реабилитация жараёнини ташкил қилиш, даволовчи жисмоний машқларни бажариш ва назорат қилиш имкониятлари			2	
5.3.6	Миокард инфарктни ўтказган беморларда индивидуал реабилитацияни самарадорлиги ни назорат қилишда “Re-Cardio” дастурни аҳамияти		2		

5.3.7	Нафас тизимининг функционал ҳолатини баҳоловчи синамалар.			2	
5.3.8	Пульмонологик касалликларда ва нафас тизимининг функционал бузилишларида уй шароитида жисмоний машқларни бажариш қоидалари.			2	
5.3.9	Кардио-пульмонологик касалликларда уй шароитида ўтказилаётган реабилитация усуллари самарадорлигини баҳолаш			2	
5.4	Эндокрин касалликларида уй шароитида реабилитация асослари	18	4	14	
5.4.1	Эндокрин тизими касалликларида реабилитациянинг асосий тамойиллари.		2		
5.4.2	Эндокрин тизими касалликларида беморларни текшириш усулларига тайёрлашни оила аъзоларига ўргатиш.			2	
5.4.3	Эндокрин тизими касалликлари билан касалланган беморларни уй шароитида парваришlash.			2	
5.4.4	Эндокрин тизими касалликлари билан касалланган беморларни психологик парваришlash .			2	
5.4.5	Қандли диабет касаллиги билан касалланган беморларни уй шароитида парвариш тамойиллари.		2		
5.4.6	Қандли диабет касаллигида диета терапия ўтказиш.			2	
5.4.7	Қандли диабет касаллигида тери, товон ва тирноқлар парвариши.			2	
5.4.8	Қандли диабет касаллиги асоратлари ва ётоқ тартибидаги беморларни парваришlashни оила аъзоларига ўргатиш.			2	
5.4.9	Уй шароитида жисмоний реабилитация жараёнини ташкил қилиш, даволовчи жисмоний машқларни бажариш ва назорат қилиш имкониятлари.			2	
5.5	Онкологик касалликларида уй шароитида реабилитация асослари.	18	6	12	
5.5.1	Онкологик касалликларида уй шароитида реабилитация асослари.		2		
5.5.2	Онкологик касалликларда беморларни ҳамширалик парвариши хусусиятлари.			2	

5.5.3	Онкологик касалликлар билан касалланган беморлар билан коммуникатив мулоқот ва психологик парваришлар .			2	
5.5.4	Онкологик касалликлар билан касалланган беморлар ҳолатини баҳолаш ва уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш.		2		
5.5.5	Радиотерапия ва кимётерапиядан кейин бемор овқатланиш мезонлари, ҳамширалик парвариши			2	
5.5.6	Радиотерапия ва кимётерапиядан сўнг беморларда келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш			2	
5.5.7	Нур билан даволашда келиб чиқадиган инфекция асоратлар.		2		
5.5.8	Нур билан даволашда келиб чиқадиган пневмония касаллигида ҳамширалик парвариши.			2	
5.5.9	Оғриқ синдромида ҳамшира ёрдами, тери парвариши. Беморларда гигиеник муолажалар ўтказиш.			2	
6	Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш асослари	6	2	4	
6.1	Болаларнинг жисмоний фаоллиги ҳақида тушунча, ешга боғлиқ хусусиятлари. Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш		2		
6.2	Ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари бор болаларга психологик реабилитацияни ташкил қилиш асослари			2	
6.3	Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланиш			2	
7	Модуль: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида соғлом овқатланишни ташкил қилиш асослари	6	2	4	
7.1	ЖССТ тавсияларига кўра соғлом овқатланиш тамойиллари. Истеъмолини ошириш ва камайтириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари.		2		
7.2	Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногирон бўлган инсонлар соғлом овқатланиши .			2	

7.3	Ногиронлиги бўлган беморларни соғлом овқатланиш қоидалари.			2	
8	Модуль: Уй муҳитини реабилитация учун мослаштириш.	6	2	4	
8.1	Уй шароитида бемор ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун қулай муҳитни яратиш учун тавсиялар.		2		
8.2	Йиқилиш ва жароҳатлар содир бўлмаслиги учун уй шароитида кўриладиган чоралар.			2	
8.3	Ногиронлиги бўлган шахслар учун кресло-коляска, қўлтиқ таёқ, хасса ва юриш мосламасидан (ходунок) тўғри фойдаланиш асослари.			2	
9.	Модуль: Оилавий шифокорлар томонидан беморлар ҳолатини баҳолаш	6	2	4	
9.1	Беморнинг ҳолатини Бартель ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолаш		2		
9.2	Реабилитация самарадорлигини Бартель ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолаш.			2	
9.3	Баҳолаш натижасига кўра реабилитация режасини ўзгартириш учун тавсиялар.			2	
	Аттестация	6			6
	Жами	144	42	96	6

3. ЎҚУВ МОДУЛЛАРИ ТАСНИФИ

“УЙДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ” ўқув модулларининг мазмуни

1. Модуль. “Реабилитациянинг асосий тамойиллари”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Реабилитациянинг асосий мақсади, аҳамияти ва вазифалари. Реабилитациянинг назарий асослари, жараённинг аҳамияти ва реабилитациянинг инсон физиологиясига таъсири.</p> <p>Уй шароитида реабилитациянинг ўзига хос жиҳатлари. Беморларга ва уларнинг оила аъзоларига самарали ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва тикланиш жараёнини рағбатлантириш.</p> <p>Беморларнинг индивидуал ҳолатларига мос</p>

	<p>реабилитация тамойилларини танлаш кўникмалари.</p> <p>Беморнинг гемодинамик ва умумий ҳолатининг кузатиш.</p> <p>Уй шароитида реабилитация жараёнини ташкил этишда халқаро стандартлар ва тажрибаларни қўллаш.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Реабилитациянинг асосий мақсади, аҳамияти ва вазифаларини; - Реабилитациянинг назарий асослари, жараённинг аҳамияти ва реабилитациянинг инсон физиологиясига таъсирини; - Уй шароитида реабилитациянинг ўзига хос жиҳатларини; - Беморларга ва уларнинг оила аъзоларига самарали ёрдам кўрсатишни; - Беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва тикланиш жараёнини рағбатлантиришни; - Уй шароитида реабилитация жараёнини ташкил этишда халқаро стандартлар ва тажрибаларни қўллаш билишни.
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Беморларнинг индивидуал ҳолатларига мос реабилитация тамойилларини танлаш кўникмаларини; - Беморнинг гемодинамик ва умумий ҳолатининг баҳолашни.

2. Модуль. “Мулоқот ва психологик ёндашувлар”

<p>Ўқув модулига ажратилган кредит:</p>	<p>6 кредит</p>
<p>Ўқув модули мазмуни:</p>	<p>Уй шароитидаги реабилитация хизматларининг аҳамияти тўғрисида бемор ва унинг оила аъзоларига тушунтириш. Оила аъзолари билан самарали мулоқот қилиш, уларга реабилитациянинг аҳамиятини тушунтириш, парваришlash бўйича кўникмаларни шакллантириш.</p> <p>Мулоқот қилиш ишларини тўғри ташкил этиш.</p> <p>Турли даражадаги мулоқот тўсиқларини бартараф этиш учун эмпатия ва актив тинглаш усулларини қўллаш билиш. Эмпатия ва руҳий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.</p> <p>Оила аъзоларининг реабилитация жараёнидаги ролини мустаҳкамлаш учун маслаҳатлар бериш ва ёрдамни ташкил қилиш.</p>
<p>Ўқув модули</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Уй шароитидаги реабилитация хизматларининг

якунида тингловчи билиши лозим:	аҳамияти тўғрисида бемор ва унинг оила аъзоларига тушунтиришни; Турли даражадаги мулоқот тўсиқларини бартараф этиш учун эмпатия ва актив тинглаш усулларини билишни.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> - Оила аъзолари билан самарали мулоқот қилиш, парваришlash бўйича кўникмаларни шакллантиришни; - Мулоқот қилиш ишларини тўғри ташкил этишни; - Эмпатия, актив тинглаш усулларини ва руҳий қўллаб-қувватлашни амалга оширишни; - Оила аъзоларининг реабилитация жараёнидаги ролини мустаҳкамлаш учун маслаҳатлар бериш ва уй шароитида ёрдамни тўғри ташкил қилишни.

3. Модуль. “Ёлғиз яшовчи беморлар билан бевосита ишлашни ташкил этиш”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Ёлғиз яшовчи беморларнинг кундалик эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга кўмаклашиш усулларини ўргатиш.</p> <p>Уй шароитида қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>Уйда беморнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> - Ёлғиз яшовчи беморларнинг кундалик эҳтиёжларини аниқлашни; - Ёлғиз яшовчи беморларга кўмаклашиш усулларини; - Уй шароитида ёлғиз яшовчи беморларни психологик қўллаб-қувватлаш усулларини; <p>Уйда беморнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чора-тадбирларни.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> - Ёлғиз яшовчи беморларнинг ва уларга кўмаклашиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни; - Уй шароитида ёлғиз яшовчи беморларни қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни; - Уй шароитида ёлғиз яшовчи беморларни қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни. - Уйда беморнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни.

4. Модуль. “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришlash асослари ”

<p>Ўқув модулига ажратилган кредит:</p>	<p>12 кредит</p>
<p>Ўқув модули мазмуни:</p>	<p>Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришlash асослари. Паллиатив ёрдам тушунчаси. Оғир беморнинг ҳолатини баҳолаш. Ётоқ беморларнинг парвариш қилиш хусусиятлари, овқатлантириш қоидалари. Шахсий гигиенага риоя қилиш қоидалари. Чўмилтириш, соч соқол ва тирноқлар парвариши. Пешоб ва нажас қабул қилгичлардан тўғри фойдаланиш қоидалари. Ётоқ яралар, даражаларини аниқлаш, уларни олдини олиш. Бемор ўрин-кўрпа, оқликларини ва кийимларини алмаштириш техникаси. Ётоқ яралар бор бўлган беморларни парваришlash.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришlash асосларини; - Паллиатив ёрдам тушунчасини; - Оғир беморнинг ҳолатини баҳолашни; - Ётоқ тартибидаги беморларни парвариш қилиш хусусиятлари, овқатлантириш қоидаларини; - Ётоқ яралар, даражаларини, уларни олдини олиш усулларини; - Бемор ўрин-кўрпа, оқликларини ва кийимларини алмаштиришни; - Ётоқ яралар бор бўлган беморларни парваришlashни.
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришlashни; - Паллиатив ёрдамни амалга оширишни; - Оғир беморнинг ҳолатини баҳолашни; - Ётоқ беморларни овқатлантиришни; - Ётоқ беморларнинг шахсий гигиенаси: чўмилтириш, соч соқол ва тирноқлар парваришини; - Пешоб ва нажас қабул қилгичлардан тўғри фойдаланишни; - Ётоқ яралар, уларнинг даражаларини аниқлашни; - Ётоқ яраларни олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни;

	<ul style="list-style-type: none"> - Беморнинг ўрин-кўрпаси, оқликларини ва кийимларини алмаштиришни; - Ётоқ яралар бор бўлган беморларни парваришлашни.
--	--

5. Модуль. “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида реабилитация қилиш асослари”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	84 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>“Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида парваришлаш асослари. Инсулт ўткир даври асоратлари (ётоқ пневмонияси, ётоқ яралар, ўпка артерияси тромбоэмболияси (ТЭЛА), флеботромбоз, урологик инфекциялар) ва профилактика чоралари; инсулт эрта тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари–афазиялар, сезги бузилишлари, бемор йиқилишлари олдини олиш) ва профилактика чоралари; инсулт кеч тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари–афазиялар, когнитив ва психологик бузилишлар) ва профилактика чоралари; инсултдан кейинги ютиш бузилиши- дисфагияли беморлар овқатланиши тамойиллари.</p> <p>Жароҳат ва жарроҳлик операцияларидан кейинги реабилитация. Таянч- ҳаракат тизими реабилитацияси.</p> <p>Қўл-оёқларнинг ампутациясидан кейинги ва белда оғриғи бўлган беморларни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари, реабилитациянинг асосий тамойиллари.</p> <p>Таянч ҳаракат тизимида патологияси бўлган беморларни уй шароитида ҳаракатланишга ўргатиш, техник реабилитация воситаларидан фойдаланиш. Уй шароитида таянч-ҳаракат тизимида жароҳатлари ва касалликлари бўлган беморларни реабилитация қилиш. Белда оғриғи бўлган беморларни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари. Контрактураларнинг профилактикаси. Таянч-ҳаракат тизими касалликларида эрготерапия. бўғимларни ривожлантириш ва таянч-ҳаракат тизими касалликларида механотерапия.</p> <p>Кардиологик ва пульмонологик касалликларда реабилитацияни асосий тамойиллари. Кардиологияда операциядан сўнг уй шароитида парваришлаш. Бемор билан алоқадорлик ва психологик ёндашувлар. Уй шароитида жисмоний реабилитация жараёнини ташкил</p>

	<p>қилиш, даволовчи жисмоний машқларни бажариш ва назорат қилиш имкониятлари. Миокард инфарктни ўтказган беморларда индивидуал реабилитацияни самарадорлигини назорат қилишда «Re-Cardio» дастурни аҳамияти. Нафас тизимининг функционал ҳолатини баҳоловчи синамалар. Пульмонологик касалликларда ва нафас тизимининг функционал бузилишларида уй шароитида жисмоний машқларни бажарилиши. Кардио-пульмонологик касалликларда уй шароитида ўтказилатган реабилитация усуллари самарадорлигини баҳолаш.</p> <p>Эндокрин тизими касалликларида реабилитациянинг асосий тамойиллари. Эндокрин тизими касалликларида беморларни замонавий текшириш усуллари аҳамияти. Эндокрин тизими касалликлари билан касалланган беморларни уй шароитида парваришlash. Эндокрин тизими касалликлари билан касалланган беморларни психологик парваришlash. Қандли диабет касаллиги билан касалланган беморларни уй шароитида парвариш тамойиллари. Қандли диабет касаллигида диета терапия ўтказиш. Қандли диабет касаллигида тери, товон ва тирноқлар парвариши. Қандли диабет касаллиги асоратлари ва ётоқ тартибидаги беморларни парваришlashни оила аъзоларига ўргатиш. Уй шароитида жисмоний реабилитация жараёнини ташкил қилиш, даволовчи жисмоний машқларни бажариш ва назорат қилиш имкониятлари.</p> <p>Онкологик касалликларида уй шароитида реабилитация асослари, ҳамширалик парвариши хусусиятлари. Онкологик касалликлар билан касалланган беморлар билан коммуникатив мулоқот ва психологик парваришlash, беморлар ҳолатини баҳолаш ва уларнинг эҳтиёжларини аниқlash. Радиотерапия ва кимётерапиядан кейин бемор овқатланиш мезонлари, ҳамширалик парвариши, беморларда келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш. Оғриқ синдромида ҳамшира ёрдами, тери парвариши. Бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларда гигиеник муолажалар ўтказиш.</p>
<p>Ўқув модули яқунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ЖССТ тавсияларига кўра инсультдан кейин уй шароитида парваришlash тамойилларини билиш; • Инсульт ўткир даври асоратлари (ётоқ пневмонияси, ётоқ яралар, ўпка артерияси тромбоемболияси (ТЭЛА), флеботромбоз, урологик инфекциялар) клиникасини ва профилактика чораларини; • Инсульт эрта тикланиш даври асоратлари (фалажлар,

	<p>контрактуралар, нутқ бузилишлари –афазиялар, сезги бузилишлари, бемор йиқилишлари олдини олиш) клиникаси ва профилактика чораларини;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Инсулт кеч тикланиш даври асоратлари (фалажлар, контрактуралар, нутқ бузилишлари –афазиялар, когнитив ва психологик бузилишлар) клиникаси ва профилактика чораларини; • Инсулт туфайли ютиш бузилган –дисфагияли беморлар овқатланиш тамойилларини; • Қўл-оёқларнинг ампутациясидан кейинги беморларни реабилитациясининг ўзига хос хусусиятларини; • Умуртқа поғонасида оғриғи бўлган беморларни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларини; • Кардиологик ва пульмонологик касалликларда реабилитацияни асосий тамойилларини; • Миокард инфарктни ўтказган беморларда индивидуал реабилитацияни самарадорлигини назорат қилишда “Re-Cardio” дастурни аҳамиятини; • Нафас тизимининг функционал ҳолатини баҳоловчи синамаларни; • Эндокрин тизими касалликларида реабилитациянинг асосий тамойилларини; • Эндокрин тизими касалликларида беморларни замонавий текшириш усулларига оилада беморларни тайёрлаш; • Қандли диабет касаллиги билан касалланган беморларни уй шароитида парвариш тамойилларини; • Онкологик касалликларида уй шароитида реабилитация асосларини; • Онкологик касалликларда беморларни ҳамширалик парвариши хусусиятларини; • Онкологик касалликлар билан касалланган беморлар ҳолатини баҳолаш ва уларнинг эҳтиёжларини аниқлашни; • Нур билан даволашда келиб чиқадиган инфекцион асоратларни.
<p>Ўқув модули яқунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Инсулт ўтказган бемор ҳолатини баҳолашни; • Уй шароитида инсултли бемор парваришининг асосий тамойилларини; • Инсулт ўткир даври асоратларидан ётоқ пневмониясини олдини олиш тамойилларини; • ётоқ яралар, ўпка артерияси тромбоз эмболияси (ТЭЛА), флеботромбоз ва урологик инфекциялар

олдини олиш чораларини;

- Инсулт эрта тикланиш даври асоратларидан фалаж ва , контрактуралар олдини олиш тамойилларини;

- Нутқ бузилишлари –афазияларни даволаш тамойилларини;

- Сезги бузилишлари ва бемор йиқилишларини олдини олишни;

- Когнитив ва психологик бузилишлар олдини олишни;

- Инсулт туфайли ютиш бузилган –дисфагияли бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни овқатланиш тамойилларини;

- Таянч-ҳаракат тизимида патологияси бўлган беморларни уй шароитида ҳаракатланишга ўргатиш, реабилитация техник воситаларидан фойдаланишни;

- Уй шароитида таянч-ҳаракат тизимида жароҳатлари ва касалликлари бўлган беморларни реабилитация қилишни;

- Таянч-ҳаракат тизими касалликларида эрготерапия ўтказишни;

- Контрактураларнинг профилактикаси, бўғимларни ривожлантириш ва таянч-ҳаракат тизими касалликларида механотерапия ўтказишни;

- Кардиологик касалликларда операциядан сўнг уй шароитида парваришlash. Бемор билан алоқадорлик ва психологик ёндашувларни;

- Уй шароитида жисмоний реабилитация жараёнини ташкил қилиш, даволовчи жисмоний машқларни бажариш ва назорат қилиш имкониятларини;

- Пульмонологик касалликларда ва нафас тизимининг функционал бузилишларида уй шароитида жисмоний машқларни бажарилишини;

- Кардио-пульмонологик касалликларда уй шароитида ўтказилатган реабилитация усулларини самарадорлигини баҳолашни;

- Эндокрин тизими касалликлари билан касалланган беморларни уй шароитида парваришlashни;

- Қандли диабет касаллигида диета терапия ўтказишни;

- Қандли диабет касаллигида тери, товон ва тирноқлар парваришини;

- Қандли диабет касаллиги асоратлари ва ётоқ тартибидаги беморларни парваришlashни оила

	<p>аъзоларига ўргатишни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Онкологик касалликлар билан касалланган беморлар билан коммуникатив мулоқот ва психологик парваришлашни; • Радиотерапия ва кимётерапиядан кейин бемор овқатланишни; • Радиотерапия ва кимётерапиядан сўнг беморларда келиб чиқадиган асоратларни олдини олишни; • Нур билан даволашда келиб чиқадиган пневмония касаллигида ҳамширалик парваришини амалга оширишни; • Оғриқ синдромида ҳамшира ёрдами, тери парваришини, беморларда гигиеник муолажалар ўтказишни.
--	---

6. Модуль. Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш асослари.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 Кредит
Ўқув модули мазмуни:	Болаларнинг жисмоний ривожланиши ҳақида тушунча, ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш. Ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари бор болаларга психологик реабилитацияни ташкил қилиш асослари. Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланиш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Болаларнинг жисмоний ривожланиши ҳақида тушунча, ёшга боғлиқ хусусиятларини; • Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш асосларини; • Ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари бор болаларга психологик реабилитацияни ташкил қилиш асосларини; • Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланиш хусусиятларини.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Болаларнинг жисмоний ривожланиши ёшга боғлиқ хусусиятларини баҳолашни; • Ногиронлиги бўлган болаларни уй шароитида реабилитация қилиш чора тадбирларини; • Ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари бор

	<p>болаларга психологик реабилитацияни ташкил қилишни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланишни.
--	---

7. Модуль. “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлиб қолган кексалар, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни уй шароитида соғлом овқатланишни ташкил қилиш асослари”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>ЖССТ тавсияларига кўра соғлом овқатланиш тамойиллари. Истеъмолини ошириш ва камайтириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати. Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногирон бўлган инсонлар соғлом овқатланиши асослари. Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланиш қоидалари. Сурункали юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш ва даволашда Ўртаер денгизи парҳези, DASH парҳези асослари. Деменцияни олдини олиш учун MIND парҳези асослари.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ЖССТ тавсияларига кўра соғлом овқатланиш тамойилларини; • Истеъмолини ошириш ва камайтириш керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини; • Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногиронлиги бўлган инсонлар соғлом овқатланиши асосларини; • Ногиронлиги бўлган болаларнинг соғлом овқатланиш қоидаларини; • Сурункали юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш ва даволашда Ўртаер денгизи парҳези, DASH парҳези асосларини; • Деменцияни олдини олиш учун MIND парҳези асосларини.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар сабабли ногирон бўлган инсонлар соғлом овқатлантиришни; • Ногиронлиги бор болаларнинг соғлом овқатланиш қоидаларини; • Уй шароитида оила аъзоларига овқатлантириш бўйича тавсиялар беришни.

8. Модуль. “Уй муҳитини реабилитация учун мослаштириш”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Уй шароитида бемор ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун учун қулай муҳитни яратиш учун тавсиялар.</p> <p>Йиқилиш ва жароҳатлар содир бўлмаслиги учун уй шароитида кўриладиган чора тадбирлар.</p> <p>Ногиронлиги бўлган шахслар учун кресло-коляска, қўлтиқ таёқ, хасса ва юриш мосламасидан (ходунок) тўғри фойдаланиш асослари.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Уй шароитида бемор ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун учун қулай муҳитни яратиш учун тавсияларни; • Йиқилиш ва жароҳатлар содир бўлмаслиги учун уй шароитида кўриладиган чора тадбирларни; • Ногиронлиги бўлган шахслар учун кресло-коляска, қўлтиқ таёқ, хасса ва юриш мосламасидан (ходунок) тўғри фойдаланиш асосларини.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Уй шароитида бемор ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун учун қулай муҳитни яратиш учун тавсиялар беришни; • Йиқилиш ва жароҳатлар содир бўлмаслиги учун уй шароитида кўриладиган чора тадбирларни; • Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларни оила аъзоларига кресло-коляска, қўлтиқ таёқ, хасса ва юриш мосламасидан (ходунок) тўғри фойдаланиш қоидаларини ўргатишни.

9. Модуль. “Оилавий шифокорлар томонидан беморлар ҳолатини баҳолаш”

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 Кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Беморнинг ҳолатини Бартель ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолаш. Реабилитация самарадорлигини Бартель ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолаш.</p> <p>Баҳолаш натижасига кўра реабилитация режасини ўзгартириш учун тавсиялар.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи	<ul style="list-style-type: none"> • Беморнинг ҳолатини Бартел ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолашни; • Реабилитация самарадорлигини Бартел ва Лоутон

билиши лозим:	шкаласи ёрдамида баҳолашни; <ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш натижасига кўра реабилитация режасини ўзгартириш учун тавсияларни.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Беморнинг ҳолатини Бартел ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолашни; • Реабилитация самарадорлигини Бартел ва Лоутон шкаласи ёрдамида баҳолашни; • Баҳолаш натижасига кўра реабилитация режасини ўзгартириш учун тавсиялар беришни.

4. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

4.1. Ўқув базалари: Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг фиаллари.

Амалиёт базаси: Даволаш-профилактика муассасалари қошидаги ўқув базалари.

4.2. Машғулотларни ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:

Модуль бўйича дарс олиб бориш учун назарий, амалий ва семинар дарслар ўтиладиган ўқув аудиториялари.

Мултимедиали жамланма: слайдлар тўплами бўлган ppt кўринишли маърузалар CD дискда кўргазма материаллар, экран, видеофильмлар.

Клиник амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш тренинг ўқув хонаси, муляж, фантом ва бошқа жиҳозлар.

Мавзулар бўйича турли жадваллар, тасвирий кўргазма ва қўлланмалар.

4.3. Тавсия этиладиган адабиётлар.

4.3.1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4666-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110 Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4887-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063-сонли қарори.

4.3.2.Тавсия этилган адабиётлар:

1.Екушева, Е.В. Постинсультная реабилитация: прогностические критерии восстановления двигательных функций. Учебно-методическое пособие / Е.В. Екушева, Е.С. Кипарисова. – М., 2017. – 88с.

2. Епифанов В.А., Епифанов А.В., Глазкова И.И. и др. Медико-социальная реабилитация больных после инсульта. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2021. 352 с. DOI: 10.33029/9704-6033-7-2021-MRI-1-352.

3. Зайнутдинов Х. С. Ўзбекистонда инсульт касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларининг таҳлили / Х. С. Зайнутдинов, А. Т. Усмонова, Г. А. Султонова // Фармацевтический журнал. - 2021. - N 4. - С. 18-24. - Библиогр.: 4 назв..

4. Инсульт. Руководство для врачей. Под ред. Стаховской Л.В., Котова С.В. М.: Медицинское информационное агентство; 2014

5. Кадыков А.С., Черникова Л.А., Шахпаронова Н.В. Реабилитация неврологических больных. 4-е изд. М.: МЕДпресс-информ, 2021. 560 с.

6. Кадыков, А.С. Реабилитация неврологических больных / А.С. Кадыков, Л.А. Черникова, Н.В. Шахпаронова. – М.: МЕДпресс-информ, 2014. – 560 с.

7. Ковальчук, В.В. Реабилитация пациентов после инсульта / В.В. Ковальчук, А.О. Гусев // Журнал неврологии и психиатр. им. С.С. Корсакова. – 2016. – Т. 116, № 12-2. – С. 59-64.

8. Мякотных В. С. Инсульт в пожилом и старческом возрасте : материалы двадцать второй международной научно-практической конференции "Пожилой больной. Качество жизни" (2-3 октября 2017 г.) / В. С. Мякотных // Клиническая геронтология. - 2017. - Том 23, N9-10. - С.

9. А.С.Кадыков., Л.А.Черникова., Н.В.Шахпаронова. Реабилитация неврологических больных. // Клиническое руководство Москва 2021г 555 С.

10. Маркин С.П. Реабилитация больных с острым нарушением мозгового кровообращения / С.П. Маркин // Неврология. - 2010. - №1.

11. Мультидисциплинарный подход в ведении и ранней реабилитации неврологических больных: метод. пособие. Ч. 3. Логопедия. Глотание / О.В. Камаева и др.. – С.-Петербург - 2003. - 25 с

12. Belova A.N. Scales, tests and questionnaires in neurology and neurosurgery. 3rd ed., revised. and add. М.: Practical medicine, 2018. – 696 p.

13. Denny M.K., Ramadan A.R., Savitz Sh.I. et al. Management of acute stroke / transl. from eng. E. A. Koltsovoy; ed. L. V. Stakhovskaya. M.: GEOTAR-Media, 2021. – 272 p.

14. Epifanov V.A., Epifanov A.V., Glazkova I.I. et al. Medical and social rehabilitation of patients after a stroke. M.: GEOTAR-Media, 2021. – 352 p. DOI: 10.33029/9704-6033-7-2021-MRI-1-352.

15. GBD 2019 Stroke Collaborators. Global, regional, and national burden of stroke and its risk factors, 1990–2019: A systematic analysis for the global burden of disease study 2019 // Lancet Neurol. 2021;20(10):795–820. DOI: 10.1016/S1474-4422(21)00252-0.

16. Gururaj S, Bird ML, Borschmann K, Eng JJ, Watkins CL, Walker MF, Solomon JM; SRRR2 KT working group. Evidence-based stroke rehabilitation: do priorities for practice change and feasibility of implementation vary across high income, upper and lower-middle income countries? Disabil Rehabil. 2022 Aug;44(17):4611-4618. doi: 10.1080/09638288.2021.1910737. Epub 2021 Apr 13. PMID: 33849357.

4.3.3. Электрон таълим ресурслари

1. Total fat intake for the prevention of unhealthy weight gain in adults and children: WHO guideline
<https://www.who.int/publications/i/item/9789240073654>
2. Saturated fatty acid and trans-fatty acid intake for adults and children: WHO guideline <https://www.who.int/publications/i/item/9789240073630>
3. Carbohydrate intake for adults and children: WHO guideline
<https://www.who.int/publications/i/item/9789240073593>
4. Use of non-sugar sweeteners: WHO guideline
<https://www.who.int/publications/i/item/9789240073616>
5. Sugars intake for adults and children: WHO guideline
https://www.who.int/entity/nutrition/publications/guidelines/sugars_intake
6. Sodium intake for adults and children: WHO guideline
https://www.who.int/entity/nutrition/publications/guidelines/sodium_intake
7. Potassium intake for adults and children: WHO guideline
https://www.who.int/nutrition/publications/guidelines/potassium_intake
8. ADA: Standards of Care in Diabetes – 2023
https://diabetesjournals.org/care/issue/46/Supplement_1
9. ESC <https://www.escardio.org/Guidelines>
10. KDIGO guidelines <https://kdigo.org/guidelines/>
11. DASH diet <https://www.nhlbi.nih.gov/education/dash-eating-plan>
12. Mediterranean diet <https://www.health.harvard.edu/blog/a-practical-guide-to-the-mediterranean-diet-2019032116194>
13. MIND diet <https://nutritionsource.hsph.harvard.edu/healthy-weight/diet-reviews/mind-diet/>

14. <https://www.who.int/ru/campaigns/connecting-the-world-to-combat-coronavirus/healthyathome/healthyathome---healthy-diet>

15. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/healthy-diet>

5. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ

5.1. Якуний аттестацияга қўйиладиган талаблар:

Якуний аттестация Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли буйруғи 3-илоvasидаги «Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларида тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш тўғрисидаги Низом» га асосан ўтказилади.